



ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛШУНОСЛИГИДА ЗООНИМ КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Сафарбаева Юлдуз

Ажиниёз номидаги НДПИ магистранти

ARTICLE INFO

Received: 16th March 2023

Accepted: 24th March 2023

Online: 25th March 2023

KEY WORDS

Зооним, компонент, паремия, фразема, прагматик, лингвокультурология, аспект.

ABSTRACT

Мақолада қорақалпоқ тилшунослигида зооним компонентли фраземалар ва паремияларни ўрганилиши таҳлил қилинган. Зооним компонентли фразеологик бирликлар билан паремияларнинг фарқли жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

Ҳар бир тилнинг фразеологик таркиби тарихий-этимологик жиҳатдан таҳлил қилинса, уларнинг турли йўллар билан пайдо бўлганлигини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам фразеологик манбалар тўғрисида сўз юритилганда уларнинг халқ турмуш тарзи билан боғлиқлиги, халқ маданиятини акс эттириши таъкидланади.

Қорақалпоқ тилидаги фразеологизмлар ҳам бир неча асрлар давомида шаклланган бўлаб, уларнинг юзага келишида турли омиллар асос бўлган. Фразеологизмлар ичида катта бир гуруҳни бир компоненти ҳайвон номлари – зоонимлар билан боғлиқ фраземалар ташкил қилади. Бундай фразеологизмлар қорақалпоқ тилшунослигида махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Аммо баъзи ўқув қўлланмаларда, мақолаларда уларнинг айрим жиҳатлари сўз қилинган.

Қорақалпоқ тилшунослигида тенг икки компонентли фразеологизмларни тадқиқ қилган олима Г. Айназарова уларни бир неча мазмуний гуруҳларга ажратган. Улардан бири ҳайвонотлар дунёси билан боғлиқ фразеологизмлар деб аталган. Муаллиф қуйидагиларни таъкидлайди: “Ҳайвонотлар дунёсига боғлиқ атамалар иштирокида ясалган тенг икки компонентли фразеологизмлар: *палапан басына, турымтай тусына; ўйрек ушып, ғаз қонған; ингендей қайысып, ботадай бозлаў; жыландай жылжып, түлкидей жортыў; ийт ийесин, пышық бийкесин; арқасын бийт жеп, тапқанын ийт жеп; үрерге ийти, сығарға бийти жоқ* ва б.” [Айназарова. 1:35].

Т.Бегжанов ва Қ.Қошанов муаллифлигидаги мақолада ҳайвонлардан қўй ва эчки билан боғлиқ фразеологизмлар ҳақида фикр юритар эканлар, қуйидагича таъкидлайдилар: “В бытующих народных пословицах, поговорках, сказках, прибаутках и сравнениях часто фигурируют овцы и козы. Так, например, для обозначения предельной покорности и скромности человека прибегают к довольно распространенному сравнению с овцой “қойдай жуўас” – “смирен как овечка”, “қой аўызынан шөп алмас” – “даже травинки из пасти овцы не отнимет” (т.е. даже мухи не



обидить), “минези қойдың минезиндей” “покладистый, как овца” и др. Иной раз народных песнях глаза любимой девушки уподобляют овечьим глазам: “қой көзли ярым” – “моя любимая овечьими (т.е. карими) глазами”. А для большинства пословиц и поговорок характерно неперенное упоминение мелкого скота – овец и коз” [Бегжанов. 2: 87].

Тилшунос Б.Юсупова “Фразеологизмларде ҳэйўан атамаларының қолланылыўы” номли мақоласида “Қорақалпоқ тилидаги фразеологизмлар таркибида юқоридаги ҳайвон номларидан бошқа туя, от, сигир, хўкиз, мушук, сичқон, инган, кирпи ва б. номлар билан келган фразеологизмлар бор. Ҳар бир ҳайвон атамаси билан келган фразеологизмнинг ўзи бир қанча маъно, услубий ва бошқа хусусиятлари билан характерланади”, – деб кўрсатади. Компонентларидан бири айтиб ўтилган ҳайвон номларидан бирини билдирадиган фраземаларнинг маънолари аниқланиб, уларга мисоллар келтиради. “Қўй” компонентли фразема ҳақида шундай дейди: “Қўй – халқ тушунчасида ижобий хусусияти билан маълум ҳайвон. “Қўй” атамаси билан берилган фразеологизмларда ҳам ижобий, ёқимли маънолар бор. Масалан: *Деген менен, Қарақалпақстан, мына секретарьдың айтқаны ырас болса, хотқа кетежақ, соңғы он жылдың ишинде урыс-қағыс болмай турса қой ўстинде боз торғай жумыртқалаған бир әжайып дәўран болажақ, қарақалпақтың бахтына қонатуғын ол дәўран ертеклерде де болмайжақ*(Ш.Сейитов). Буның өзи нәрсе қызбайтуғын, **қой аўызынан шөп алмайтуғын**, қақаң-суқаң менен де иси жоқ, бир аўылдағы бир өзбек еди (Ш.Сейитов)[Юсупова. 3: 129, 135].

Тилшунос Н.Жалғасов “Провербиал тузилмаларда инсонни баҳолашнинг прагматик ва лисоний-маданий хусусиятлари (инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари мисолида)” номли диссертациясида. Инсоннинг хусусиятларини, характерини тасвирлашда уларнинг қорақалпоқ тилидаги зооним компонентли паремияларни ҳам таҳлил қилади бажарадиган услубий вазифаларини таҳлилга тортади. Ишда “*Қорыққанға қос көринеди, Қоян көлеңкесинен де қорқады, Сақый – дос көбейтеди, бақыл – мал көбейтеди, Шамшық сойса да, қассап сойсын* каби инсоннинг хусусиятларини билдирадиган қорақалпоқ халқ мақолларини инглиз ва ўзбек тилларидаги халқ мақолларига солиштириб ўрганади.

Н.Жалғасов шундай ёзади: “Чоғиштирилаётган тиллардаги мақолсимон ибораларда гап эгаси от билан ифодаланади. Сифат +от шаклидаги инсонни тавсифловчи мақоллар мазкур тилларда тез-тез қўлланилиши кузатилади: *Тоқ ўйдиң уйту семиз келеди*”. Демак, тилшунос бу мисолни иборалар – фраземалар таркибига киритади.

Қорақалпоқ тилида *Палапан басына, турымтай тусына* ибораси бор. Мазкур иборани Н.Жалғасов мақол таркибига киритади ва шундай ёзади: “Қиёсланаётган тиллардаги мақолларнинг катта қисми аллитерация (ундош товушларнинг такрорланиши) фонетик-стилистик усули асосида тузилган. Айнан шундай оҳангдошлик мақолларни тез эслаб қолиш ва хотирада қайта тиклаш имконини беради: *Палапан басына, турымтай тусына.*” [Жалғасов. 4: 17-18, 20].

Тилшунос Г.Айназарова мазкур иборани тенг икки компонентли фразеологизмлар қаторига киритади. Зооним компонентли фраземалар таркибида



Палапан басына, турымтай тусына фраземасини ҳам кўрсатиб ўтади [Айназарова. 1: 35]. Кўринадик, мазкур турғун бирикманнинг паремия ёки фразема эканлиги тадқиқотчилар томонидан турлича баҳоланган.

Проф. Ш.Абдиназимов мазкур ибора ҳақида қуйидаги фикрни билдиради: “Искендер Зулқарнайн дуньяға келип, сол тыныш отырған сахрайы халықтың уясы бузылды, палапан басына, турымтай тусына дегендей заман болды (Т.Қайыпбегенов, “Маман бий” эпсанасы).

Мысалдағы теңлес еки компонентли фразеологизмниң қурамындағы “турымтай” сөзи ҳазирги тил көзқарасынан түсиниксиз. Ал, М.Қашғарийдиң сөзлигинде “турымтай” сөзи қолланылады, оған “Жыртқыш қуслардан бириниң аты” (III т. 261-б) деп түсиник берилген. Демек, “турымтай” сөзи қустың бир түриниң атын билдирген”, – дейди [Абдиназимов. 5:126].

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладик, қорақалпоқ тилшунослигида фразеологизмлар, жумладан зооним компонентли фразеологизмлар ҳам семантик, тарихий-этимологик, прагматик, лингвокультурологик ва бошқа аспектларда ўрганилса, тилшунослик учун жуда фойдали бўлар эди. Зеро, тил бирикларининг барча хусусиятларини очиб бериш ва уни халқимизга етказиш тилшунослар олдидаги улкан вазифа ҳисобланади

References:

1. Айназарова Г. Қарақалпақ тилиндеги теңлес еки компонентли фразеологизмлердиң лексика-семантикалық ҳам стиллик өзгешеликлери. Оқыў-методикалық қолланба. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2015. – Б. 35.
2. Бегжанов Т.Б., Кошанов К.М. Вопросы использования фольклорных материалов в изучения курса фразеологии // Туркий филологиясының актуаль мәселелери. – Нөкис, 2008. – Б. 87.
3. Юсупова Б.Т. Фразеологизмлерде ҳайўан атамаларының қолланылыўы//Қарақалпақ тили фразеологиясының актуаль мәселелери. –Нөкис: Қарақалпақстан, 2011. – Б. 129, 135.
4. Жалғасов Н.М. Провербиал тузилмаларда инсонни баҳолашнинг прагматик ва лисоний-маданий хусусиятлари (инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари мисолида). Филол. фан. бўй. фалс. докт. ... дисс. автореф. –Самарқанд, 2020. – С. 17-18, 20.
5. Абдиназимов Ш.Н. Махмуд Қашғарийдиң “Девону луғат-ит түрк” мийнети ҳам қарақалпақ тилиндеги айырым нақыл-мақаллар. Өзбекстан Илимлер Академиясы Қарақалпақстан белиминиң Хабаршысы. –Нөкис, 2006.№4. –Б. 126.